



Бисмиллахири Роҳманури Роҳиим

РАМАЗОНГА ҚУРЪОН ТУҲФАСИ

Кириш

Ўзининг инсониятга юборган сўнги китобини Рамазон ойида индирган ва бу ойни Ислом уммати учун Куръон ойи қилиб берган Роббимиз Аллох таолога ҳамду саноларимиз бўлсин! Рамазонни Куръон ойи ўларок ўтказишни амалий суратда кўрсатиб берган,

одоб ва йўсинларини ўргатган хабибимиз Мухаммад Мустафога дуруд ва салаотларимиз бўлсин! Ҳа, Рамазон Куръон ойдир. «Рамазон ойи – унда одамларга хидоят ҳамда хидоят фуруқондан иборат очик-ойдин хужжатлар бўлиб Куръон нозил қилингандир». Рамазон вахий фариштаси Жаброил алайҳиссалом билан Куръон пайгамбари Мухаммад соллаллоху алайҳи васаллам биргаликда Куръон такрор қилган ва уни дилда мустаҳкамлаган ойдир. Рамазон ана ўша муборак онлардан бўён Ислом уммати учун Куръонни ўрганиш, ўқиш, ўқитиш ва тинглаш билан Каломуллохга боғланиш ойи бўлиб келмоқда. Мана, ўн тўрт аср ўтдики, бу илохий анъана узуликсиз давом этиб, ўзининг битмас туганмас самараларини бериб келмоқда. Дарҳақиқат, рамазон ойи ўзгача шуқух ва шону шавкатга эгадир. Бу ой соя солиши билан бутун Ислом оламида кескин ўзгариш сезилади, ҳамма нарсага чирой ва файз қиради, иймонли қалбларни сурур ва шодлик эгаллайди, дилларда эзгулик ва муҳаббат мавж уради. Рамазон ойи қилиб келар экан, ҳар бир мўмин банда ўз имкониятидан қелиб чиқиб, бу муборак ойга тайёргарлик қўради, нималардир хозирлайди, намадир қилиб бу ойга ўз муносабатини билдириш, эҳтироми ва муҳаббатини изхор этиш пайдан бўлади. Айниқса,

Рамазонга Куръон тухфаси

Муаллиф:

17.06.2015 15:15 - Янгиланди 27.04.2017 21:02

уламоларимиз, кориларимиз бу ойда ўз тарафларидан тухфалар хозирлаб, Рамазоннинг файзига файз, шукухига шукух бахш этадилар. Хусусан, Устозимиз Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳ хазратларининг Рамазон ойини ўзгача бир тайёргарлик билан, кўтаринки руҳда кутиб олиб, ана шундай юкори кайфиятда ўтказишга алоҳида эътибор беришларига барчамиз гувоҳ бўлиб келганмиз. Аллоҳ у кишининг килган барча эзгу амалларини ўзларига хамроҳ айласин! Ёккан чироклари харгиз сўнамсин! Улуг устозларнинг удумларини баҳоли кудрат давом эттириш максидида бу йил Рамазон ойида Куръон.уз сайтимизда Куръонга доир маълумотларни бойитиш билан бирга, Куръонга оид савол-жавоблар танлови ўтказмоқчимиз. Саволжавоблар тест шаклида бўлади ва хар кунгиси сайтда эълон қилинади. Кунда учта савол берилади. Биринчи тўғри жавоб берган кишининг жавоби инобатга ўтади. Тўғри жавоблар ўз вақтида эълон қилинади. Ўттиз кун мобайнида энг кўп тўғри жавоб берган кишиларнинг аввалги учтаси голиб деб эътибор қилинади. Голиблар кимматбаҳо совгалар билан тақдирланадилар, иншааллоҳ. Саволларнинг айримлари илмий аниқликни такозо этса, айримлари топқирликни талаб қилади. Айримлари содда бўлса, баъзилари бироз мураккаброк. Уларни тузишда Куръон илмига доир асарлардан хам фойдаланилди. Ўйлаймизки, бу тадбир сиз, азизларга манзур бўлади ва Куръони Карим хақидаги билимларимизнинг ошишига сабаб бўлади. Аллоҳ таолодан ушбу ожизона уринишимизни муборақ Рамазон ойи учун муносиб тухфа этиб қабул этишин сўраймиз! Барчаларингизга омад ёр бўлсин!

Жавобларингизни quranuz2015@gmail.com манзилида кутиб қоламиз!

Хасанхон Яхё Абдулмажид

1436 сана, 30 Шаъбон.